

**ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ  
ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
А Ж Р И М И**

2021 йил 20 декабрь куни, [REDACTED] вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг очик суд мажлиси ўз биносида,

раислик қилувчи: [REDACTED]  
ҳайъат судьялари: [REDACTED] иборат таркибда, [REDACTED] котиблигида, тарафлардан прокурорлар [REDACTED], судланувчи [REDACTED], унинг ҳимоячиси [REDACTED] иштирокида, [REDACTED] оид жиноят ишини келтирилган апелляция шикояти асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и:**

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] туман судининг 2021 йил 22 апрелдаги ҳукмига кўра:

[REDACTED], 1977 йил 12 июлда Бахмал туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган, оилали 4 нафар фарзандлари бор, Бахмал туман Маданият бўлимида хўжалик ишлари мудирини бўлиб ишлаган, Бахмал тумани, Ўснат шаҳарчаси 451-уйда яшайди, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в” банди, 28,209-моддаси 1-қисми билан ЖК 59-моддаси тартибида, 2 йил моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 2 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

[REDACTED] вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 7 майдаги ажрими билан ҳукмнинг [REDACTED] оид қисми ўзгартирилиб, [REDACTED] ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в” банди, 28,209-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖК 59-моддаси тартибида, 1 йил моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

[REDACTED] жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2021 йил 23 сентябрдаги ажрими билан [REDACTED] нисбатан чиқарилган [REDACTED] вилоят суди жиноят



ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 7 майдаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанциясида кўриб чиқиш учун юборилган.

Мазкур ҳукм билан [REDACTED] ҳам судланган бўлиб, жиноят ишининг уларга оид қисми муҳокама қилинмайди.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи [REDACTED] тумани Маданият аҳоли дам олиш марказида хўжалик ишлари бўйича мудир ва хазиначилик вазифаларида ишлаб келиб, моддий жавобгар шахс бўлгани ҳолда, 2017 йил октябрь ойида [REDACTED] туман маданият бўлими бош ҳисобчиси [REDACTED] 2018 йил май ойида “Маданият” аҳоли дам олиш маркази раҳбари [REDACTED] 2020 йил апрель ойидан [REDACTED] туман маданият бўлими мудир [REDACTED] билан олдиндан тил бириктириб, турмуш ўртоғи [REDACTED] номидан ҳужжатларни тайёрлаб, Бахмал туман маданият бўлимига қоровуллик вазифасига ишга қабул қилиш ҳақида бўлимнинг 10.10.2017 йилда 3к1-сонли буйруғини чиқаришга эришган. Шундан кейин ҳақиқатда турмуш ўртоғи [REDACTED] Бахмал туман маданият бўлимида қоровуллик вазифасида ишламасада, ғаразғўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжат ҳисобланган иш ҳақи ҳисоблаш учун асос бўладиган ҳужжатлар яъни табель ва иш ҳақи ҳисоботларига [REDACTED] ишлаганлиги ҳақида била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиб, уларни қалбакилаштирган ҳолда тўлов учун тақдим этиб, 2017 йил октябрь-декабрь ойларида жами 1068,3 минг сўм иш ҳақи ҳисобланиб мажбурий ушланмаларга 96,1 минг сўм ушлаган ҳолда 972,2 минг сўм, 2018 йилнинг 12 ойида ҳам жами 3095,9 минг сўм иш ҳақи ҳисобланиб мажбурий ушланмаларга 373,5 минг сўм ушлаган ҳолда 2722,4 минг сўм, 2019 йилнинг 12 ойида жами 11961,5 минг сўм иш ҳақи ҳисобланиб мажбурий ушланмаларга 1507,5 минг сўм ушлаган ҳолда 10454,0 минг сўм, 2020 йил 12 ойида жами 12161,4 минг сўм иш ҳақи ҳисобланиб мажбурий ушланмаларга 1581,0 минг сўм ушлаган ҳолда 10580,4 минг сўм ҳамда 2021 йил январь ойи учун 1019,0 минг сўм иш ҳақлари ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 132,5 минг сўм ушланган ҳолда 886,5 минг сўм, 2017 йил октябрь-декабрь ойлари ва 2018, 2019, 2020 йиллар ҳамда 2021 йилнинг январь ойида ҳаммаси бўлиб 29306,1 минг сўм иш ҳақлари ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 3690,6 минг сўм ушланган ҳолда 25615,5 минг сўмлик пулларни турмуш ўртоғи [REDACTED] номига очилган банк пластик картасига тушириб олишга эришиб, тушган пулларни ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб, 25615,5 минг сўмлик бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиб, давлат манфаатларига киддий зарар етказган.



[REDACTED] жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2017 йил октябрь ойида [REDACTED] туман маданият бўлими бош ҳисобчиси [REDACTED] 2018 йил май ойи “Маданият” аҳоли дам олиш маркази раҳбари [REDACTED] 2020 йил апрель ойдан [REDACTED] туман маданият бўлими мудирини [REDACTED] билан олдиндан тил бириктириб, маданият бўлимида 0,5 ставка қоровул вазифасида ишламаган бўлсада, ғараз ниятларда ўзининг номига ойлик иш ҳақлари ҳисоблашга асос бўлган табелларга ишга келганлиги ҳақида ёлғон маълумотларни киритилишига ва ҳисобчига тақдим қилинишига эришиб, 2017 йил октябрь-декабрь ойларида жами 533,1 минг сўм иш ҳақи ҳисобланиб мажбурий ушланмаларга 106,6 минг сўм ушланган ҳолда 426,5 минг сўм, 2018 йил давомида жами 2686,5 минг сўм иш ҳақи ҳисобланиб мажбурий ушланмаларга 591,0 минг сўм ушланган ҳолда 2095,5 минг сўм, 2019 йил давомида жами 3607,3 минг сўм иш ҳақи ҳисобланиб мажбурий ушланмаларга 468,9 минг сўм ушланган ҳолда 3138,4 минг сўм, 2020 йилнинг 12 ойида жами 4053,8 минг сўм иш ҳақи ҳисобланиб мажбурий ушланмаларга 527,0 минг сўм ушлаган ҳолда 3526,8 минг сўм, шунингдек, 2021 йил январь ойида ҳам 339,7 минг сўм иш ҳақлари ҳисобланиб, мажбурий ушланмаларга 44,2 минг сўм ушлаган ҳолда 295,5 минг сўм пулларни иш ҳақи сифатида тўлаб берилишига эришиб, 2017 йил октябрь-декабрь ойлари ва 2018, 2019, 2020 йиллар ҳамда 2021 йилнинг январь ойида ҳаммаси бўлиб 11220,4 минг сўм иш ҳақлари ҳисобланишига эришиб, мажбурий ушланмаларга 1737,7 минг сўм ушлаган ҳолда 9482,7 минг сўм пулларни ўзининг номига очилган банк пластик картасига тушириб олиб, тушган пулларни ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб, 2 ҳолатда жами 35.098,2 минг сўмлик бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиб, давлат манфаатларига жиддий зарар етказган.

Судланувчи [REDACTED] ва ҳимоячи [REDACTED] шикоятда, биринчи инстанция суди ҳамда апелляция инстанция суди жиноят ишини тўлиғича, холисона кўриб чиқмаганлиги, [REDACTED] Маданият бўлимида ҳақиқатда ишлаганлиги, [REDACTED] мансабдор шахс бўлмаганлиги сабабли суд ҳукмини бекор қилиб, оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Апелляция инстанцияси суди, раислик қилувчи [REDACTED] маърузасини, прокурор [REDACTED] суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, ҳимоячи [REDACTED], судланувчи [REDACTED] суд ҳукмини бекор қилиб, оқлов ҳукми чиқариш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгартириб, қонунга мувофиқлаштиришни, апелляция тартибидаги шикоятни қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Олий суд кассация инстанциясининг ажримда, апелляция инстанцияси суди ишни кўришда, [REDACTED]



ҳаракатлари ЖКнинг 28,209-моддаси 2-қисмининг “а” бандидан 28,209-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилинган бўлсада, унга ЖКнинг 28,209-моддаси 2-қисми “а” банди билан жазо тайинлаб хатоликка йўл қўйганлиги, шунингдек, шикоятда келтирилган вазларнинг барчаси судда текширилиши ва тегишлича баҳо берилиб асослантилмаганлиги, яъни суд муҳокамасининг тўлиқ эмаслиги ва бир ёқлама олиб борилганлиги, суд ўз хулосасига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳисобга олмаганлиги ҳақида вазлар кўрсатилиб, ушбу ҳолатларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берилган.

Шикоят вазларини текшириш ҳамда [REDACTED] инстанцияси судининг ажримда қайд этилган кўрсатмаларни бажариш мақсадида суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] [REDACTED] Маданият бўлимида 1996 йилдан буён турли вазифаларда ишлаб келганлиги, 2017 йилдан бошлаб турмуш ўртоғи [REDACTED] ҳам Маданият бўлимига қоровул вазифасига ишга кирганлиги, [REDACTED] ўша пайтда раҳбар бўлганлиги ўзи ишга олганлиги, турмуш ўртоғи иш ҳақларини ўзининг номига очилган пластик карта орқали олиб келганлиги, бўлимда текшириш бўлганлигидан сўнг туман прокуратурасига икки марта чақиртирилганлиги, уйига чақирув қоғозлари келганлиги, прокуратурага борган пайтда терговчи томонидан ҳар хил зулмлар бўлганлиги, сўроқ баённомаларига мажбурлаб имзо қўйдирганлиги, мансабдор шахс эмаслиги, қонуний ишлаб келганлиги, суд ҳукмини бекор қилиб оқлов ҳукми чиқариш ҳақида;

гувоҳ [REDACTED] 2017 йил октябрь ойида [REDACTED] туман Маданият бўлимига ариза билан мурожаат қилиб, қоровул вазифасига 1,5 ставкага ишга кирганлиги, ойлик иш ҳақларини ўзининг номига очилган банк пластик картаси орқали олиб келганлиги, ҳар ой ўртача 800-900 минг сўм тушганлиги, аванс ёзилган пайтда иккига бўлинган ҳолда, ёки бир марта тушганлиги, эрталаб соат 8 дан кеч соат 18 га қадар қоровуллик қилганлиги, қолган вақтда турмуш ўртоғи [REDACTED] қилганлиги, ишга кирган пайтда ташкилот раҳбари [REDACTED] билан меҳнат шартномаси тузганлиги, биринчи инстанция судига чақирилмаганлиги, тергов давомида юзлаштириш ҳаракатлари ўтказилмаганлиги, терговчи тазйиқ ўтказиб сўроқ баённомаларига имзо қўйдириб олганлиги ҳақида;

гувоҳ [REDACTED] Маданият бўлими мудирини вазифасида ишлаган вақтида ишга қабул қилганлиги, қоровуллик штати 2 ставка бўлганлиги, уларни қонуний ишга қабул қилганлиги, ойлик иш ҳақлари пластик карталарига тушириб берилганлиги, [REDACTED] мансабдорлик лавозими мавжуд бўлмаганлиги, [REDACTED] 1,5 ставкада ишлаганлиги, 24 соат



қоровуллик қилиши кераклиги, уларнинг ишга келганлигини доимий назорат қилиб турганлиги ҳақида;

гувоҳ [REDACTED] [REDACTED] Маданият бўлимида 2017 йилдан бош ҳисобчи вазифасида ишлаб келганлиги, 2020 йил бўлимида текшириш бўлганлиги, ушбу текширишдан кейин ишдан бўшаганлиги, [REDACTED] маданият бўлимида ишлаб келганлиги, [REDACTED] 1 ставка хўжалик мудури ва 0,5 штат қоровул вазифасида, [REDACTED] 1,5 штат қоровул вазифасида ишлаб келганлиги, [REDACTED] моддий жавобгар шахс бўлмаганлиги, мусиқа мактабининг биносига кўчган вақтида эски бинода моддий қимматликларга эга бўлган инвентарлар қолганлиги, тергов вақтида юзлаштириш ўтказилмаганлиги ҳақида;

гувоҳ [REDACTED] бўлимида ишлаб келганлиги, мудир бўлиб ишлаган вақтда у боғбон вазифасида турганлиги, терговда унинг ҳақиқатда ишлаган ёки ишламаганлиги ҳақида саволлар берилганлиги, бундан ташқари [REDACTED] ҳам қоровул вазифасида ишлаб келганлиги, унинг ишга келганлигини доимий равишда назорат қилиб туришнинг имкони бўлмаганлиги, бир икки марта кўрганлиги, ойлик иш ҳақи табелларини бош ҳисобчи юритганлиги, эски бинода моддий қимматликлар сақланиб қолганлиги, ушбу қимматликлар йўқолган тақдирда қоровул жавобгар бўлиши, [REDACTED] моддий жавобгарлик бўлмаганлиги ҳақида;

гувоҳ [REDACTED] [REDACTED] таниганлиги, маданият бўлимида ишлаб келганлиги, бироқ нима иш қилишини билмаслиги, [REDACTED] танимаслиги, эски бинода кимлар қоровул бўлиб ишлашини билмаслиги, 6-сонли мусиқа мактаби учун алоҳида қоровуллик штатлари мавжуд эканлиги, тергов давомида юзлаштириш ўтказилмаганлиги ҳақида;

гувоҳ [REDACTED] 6-сонли мусиқа мактабида хўжалик ишлари мудури вазифасида ишлаганлиги, ҳозирда Маданият бўлимида ишлаб келиши, [REDACTED] танимаслиги, уни нима иш қилишини билмаслиги, маданият бўлими мусиқа мактабининг 3 та хонасида фаолият юритганлиги, эски биноси сақланиб қолганлиги, у бинода ким ишлаганлигини билмаслиги, у бинодан фойдаланиб бўлмаслиги, терговда юзлаштириш ўтказилмаганлиги ҳақида;

гувоҳ [REDACTED] маданият бўлимида бош мутахассис вазифасида ишлаб келганлиги, вақтинча мудир вазифасини ҳам бажариб келганлиги, [REDACTED] қоровул вазифасида ишлаб келганлиги [REDACTED] 1 ой давомида ишга келганлиги, кейинчалик оилавий шароити туфайли келмаганлиги, [REDACTED] доимий равишда ишга келганлиги, 3 ой давомида мудир бўлган вақтда уларни доимий назорат қилиб турганлиги, судда берган кўрсатувларини тасдиқлаши ҳақида;



гувоҳ [REDACTED] [REDACTED] Маданият бўлимида 2018 йил январь ойидан апрель ойига қадар ишлаганлиги, Жиззах вилоят давлат молиявий назорат ходими томонидан текшириш ўтказилганлиги, текширишда ходимларга иш ҳақлари нотўғри ҳисоблангани ҳолатлари аниқланганлиги, маданият бўлими мусиқа мактаби биносида фаолият юритганлиги, эски бино ҳам маданият бўлими балансида бўлганлигини билмаслиги, тадбиркор сотиб олди деб эшитганлиги учун бу бинони текшириб кўрмаганлиги, мусиқа мактабида жойлашганлиги учун бошқа бино борлигини билмаганлиги, [REDACTED] ишга келмаганлиги, уни кўрмаганлиги, [REDACTED] қоровул вазифасида бўлганлиги, у моддий жавобгар шахс бўлмаганлиги, нечта ходими борлигини билганлиги, эски маданият бўлими биносида [REDACTED] ишлаганлигидан хабари бўлмаганлиги, [REDACTED] ишга келмаганлиги ҳақида;

гувоҳ [REDACTED] 6-сонли мусиқа мактабида қоровул вазифасида ишлаб келиши, дастлабки терговда кўрсатув берганлиги, биринчи инстанция судига чақиртирилмаганлиги, [REDACTED] маданият бўлимида ишлаганлиги, мактаб биносида доимий равишда қоровуллик қилиб келганлиги, [REDACTED] қоровуллик вазифасида иш кўрсатмаганлиги, уларни кўрмаганлиги, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаши, маданият бўлимининг эски биноси мавжудлигини билмаслиги, у ерда кимлар қоровуллик қилишини билмаслиги, [REDACTED]

[REDACTED] суд ҳукмида қайд этилган жиноятларни содир қилганликдаги айби, судланувчилар [REDACTED] гувоҳ [REDACTED] кўрсатувлари, 2020 йил 30 сентябрь кунги Жиззах вилоят молиявий назорат бошқармасининг [REDACTED] маданият бўлимида ўтказган текшириш далолатномаси, [REDACTED] бандлик бош бошқармаси, Давлат меҳнат инспекцияси мутахассисининг 2020 йил 18 ноябрь кунги хулосаси, 2021 йил 7 январь кунги [REDACTED] вилоят маданият бошқармаси ва [REDACTED] аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази мутахассисларининг [REDACTED] маданият бўлимида меҳнат қонунчилигига риоя этилиши юзасидан ўтказган ўрганиш далолатномаси, 2021 йил 8 январь кунги [REDACTED] молиявий назорат бошқармасининг [REDACTED] маданият бўлимида ўтказган текшириш далолатномаси, ишдаги тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда суд ҳукмида атрофлича муҳокама қилинган бошқа далиллар билан исботланган.

Биринчи инстанция суди, иш тафсилотларини тўғри аниқланиб, [REDACTED] айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келиб, унинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг



167-моддаси 2-қисми “в” банди ва 28,209-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилган.

Шунингдек, ҳимоячи [REDACTED] моддий жавобгар шахс бўлмасада, унга ЖКнинг 28,209-моддаси 1-қисми бўйича нотўғри айб эълон қилинганлиги ҳақидаги важлари билан келишиб бўлмайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 4-сонли Қарорининг 8-бандида, Агар мансаб сохтакорлиги мансабдорлик жиноятининг субъекти бўлмаган бошқа шахслар билан иштирокчиликда содир этилган бўлса, бундай иштирокчиларнинг ҳаракатлари, башарти улар талон-торож жинояти иштирокчиси бўлмаса, ЖК 228-моддаси билан эмас, балки мазкур Кодекснинг 28,209-моддалари билан квалификация қилинмоғи кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ишдаги далилларга кўра, [REDACTED]

[REDACTED] қилганлиги исботланган.

Ҳимоячи [REDACTED] апелляция инстанцияси судида [REDACTED] бўлимида қоровул вазифасида ҳақиқатда ишлаганлиги [REDACTED] Маданият бўлимининг эски биносида қоровулик вазифасида ишлаганлиги, штат бирлиги сақланиб қолганлиги, ойлик иш ҳақларини ўзи олиб келганлиги, [REDACTED] ушбу эпизод бўйича нотўғри айблов қўйилганлиги, эски бино [REDACTED] бўлимининг балансида ҳалигача сақланиб қолганлиги ҳақида важлар келтирган.

Жиноят иши ҳужжатларидаги 2020 йил 30 сентябрь кунги Жиззах вилоят молиявий назорат бошқармасининг [REDACTED] маданият бўлимида ўтказган текшириш далолатномаси, [REDACTED] вилоят бандлик бош бошқармаси, Давлат меҳнат инспекцияси мутахассисининг 2020 йил 18 ноябрь кунги хулосаси, 2021 йил 7 январь кунги [REDACTED] маданият бошқармаси ва Ғаллаорол тумани аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази мутахассисларининг Бахмал туман маданият бўлимида меҳнат қонунчилигига риоя этилиши юзасидан ўтказган ўрганиш далолатномаси, 2021 йил 8 январь кунги [REDACTED] назорат бошқармасининг Бахмал туман маданият бўлимида ўтказган текшириш далолатномаси, ишдаги тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда судда сўроқ қилинган гувоҳларнинг кўрсатувига кўра, [REDACTED] қайд этилган важлари билан келишиб бўлмайди.

Юқорида қайд этилган гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда жиноят ишидаги далилларга кўра суд ҳукмида қайд этилган жиноятларда,



яъни расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиб, ўзларининг жавобгарликларига ишониб топширилган ўзганинг мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинишида [REDACTED] бевосита иштирок этганлиги тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддасида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги назарда тутилган.

Иш ҳужжатларига кўра [REDACTED] жиноий ҳаракатлари оқибатида жами етказилган 66.817.200 сўм зарарнинг 25.000.000 сўми дастлабки тергов даврида, қолган 41.817.200 сўми эса апелляция инстанцияси давомида тўлов топшириқномаларига асосан судланувчиларнинг яқин қариндошлари томонидан тўлиқ қопланган.

[REDACTED] маданият бошқармаси бошлиғининг 2021 йил 6 майдаги 01-04/592-сонли хатида иш юзасидан етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли судланувчиларга нисбатан маданият бошқармасининг эътирози ва даъвоси йўқлиги маълум қилинган.

Шунга кўра, апелляция инстанцияси суд ҳукмини ўзгартириб, Ж.Абдувалиевга тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштириб, қонунга мувофиқлаштиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497<sup>13</sup>, 497<sup>17</sup>, 497<sup>25</sup>, 497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup>-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси суди ажрим қилади,

## А Ж Р И М

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] судининг 2021 йил 22 апрелдаги [REDACTED] оид ҳукмининг [REDACTED] оид қисми ўзгартирилсин.

[REDACTED] ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в” банди билан ЖКнинг 45-моддасига асосан 1 (бир) йил моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

[REDACTED] ЖКнинг 28,209-моддаси 1-қисми билан ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида [REDACTED] тайинланган жазолар қисман қўшиш йўли билан



жиноятлар мажмуи тариқасида узил-кесил 1 (бир) йил моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

2021 йил 22 апрелдан 2021 йил 7 май кунига қадар қамоқда сақланган кунлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан тайинланган жазодан чегирилиб, ўташ учун 1 (бир) йил 10 (ўн) ой 12 (ўн икки) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгилаб берадиган жойларда ўташлиги белгилансин.

Жазо муддати маҳкум корхонада иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

нисбатан тайинланган жазони ижро қилиниши устидан назорат олиб бориш

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция тартибидаги шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

**Раислик қилувчи:** **ИМЗО**  
**Ҳайъат судьялари:** **ИМЗО**  
**ИМЗО**

**Аслига тўғри**

